O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 19-iyul • Shanba • 86 (27.891) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида биринчи ярим йилликда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга 702 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 млрд. сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 июль куни Оқсаройда Япония молия вазири Фукуширо Нукагани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Япония билан ривожланиб бораётган ўзаро муносабатларни юксак қадрлашини, ушбу учрашув стратегик шериклик тамойилларига асосланган ҳамкорлигимиз икки томонлама манфаатдорликка асосланганидан яна бир далолат эканини таъкидлади.

СТРАТЕГИК ШЕРИК — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

— Ташрифингиз икки томонлама ҳамкорликнинг мантиқий давоми бўлиб, ўзаро муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон — Япония муносабатлари 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида ривожланмоқда. Энг яқин ҳамкорларимиздан бири бўлган Япония Ўзбекистон билан изчил алоқа ўрнатиб, юртимиздаги ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаб келаётир. 1994 йили иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари тузилди. Улар мунтазам равишда қўшма мажлислар ўтказиб келмоқда. Тошкентда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган даврда Японияннинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларига яқиндир. Хусусан, Япония ҳукуматининг «Ривожланишга расмий ёрдам» дастури доирасида 910 миллион, Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг (JBIC) тижорий кредитлари орқали ёқилғи-энергетика мажмуи ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун 820 миллион АҚШ доллари ажратилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилаётир. Самарқанддаги автомобиль заводида «Isuzu» русумли автобуслар, юк ташиш машиналари, кўтарма кранлар ишлаб чиқарилаётгани қўшма лойиҳалар муваффақиятига яхши мисолдир.

Мамлакатларимиз иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун етарли салоҳиятга эга. 2007 йилнинг ноябрида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Япония бизнес-форуми бу йўналишда ишга солинмаган имкониятларни кўриб чиқиш ва улардан тўла фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистонда «Мицуи», «Мицубиси», «Нише Иваи» каби жами 22 йирик япон корпорациясининг ваколатхоналари очилган. Машинасозлик, енгил саноат, ички ва ташқи савдо, транспорт хизмати, сайёҳлик каби соҳаларда қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш ташаббуси Токиода юксак баҳоланади. 2006 йилнинг августида Японияннинг ўша пайтдаги Бош вазири Жунъичиро Коидзуми расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Бу Кунчиқар мамлакат ҳукумати раҳбарининг нафақат Ўзбекистон, балки умуман Марказий Осиёга илк ташрифи эди. Япония ташқи сиёсатида «Ипак йўли дипломатияси», «Марказий Осиё + Япония» мулоқот механизми шаклланганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Оқсаройдаги учрашувда Фукуширо Нукага самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Япония Ўзбекистон билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2008 йил 18 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олиб борди.

Мажлисда қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,3 фоизни, саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари ўсиши 12,2 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 16,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича 5,4 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича 14,4 фоизни, пулли хизматлар кўрсатиш бўйича 18,9 фоизни ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси барқарор юқори суръатлар билан, энг аввало, экспортнинг қарийб 1,5 баробар кўпайиши ҳисобига ўсмоқда. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,8 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар инвестицияларнинг 19,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 29,4 фоизга ўсишини таъминлади. 185 та янги ишлаб чиқариш объектлари, шу жумладан, «Асака текстиль», «Сурхон текс», «Навбаҳор текс», «Риштон текстиль» тўқимачилик корхоналари ва бошқалар ишга туширилди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши, кичик бизнесга солиқ юкининг пасайтирилиши ҳамда унинг фаолият кўрсатиш шароитларининг эркинлаштирилиши натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг тегишли давридаги 38,1 фоиз ўрнига 40,2 фоизгача кўпайди.

Ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурлари фаол амалга оширилиши туфайли 372,1 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 130,2 мингта, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 132,6 мингта иш ўрни ташкил этилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида биринчи ярим йилликда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, ёшлар таълими сифатини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилиб, уларни молиялаштиришга 702 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ёш оилаларга уй-жойлар сотиб олиш, уларни реконструкция қилиш ва қуриш учун 17,1 млрд. сўм имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланишидаги ижобий тенденциялар халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Халқаро валюта фонди томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан иқтисодиёт тармоқларини янада модернизациялаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, янги иш ўринларини, айниқса, қишлоқ жойларда ташкил этиш ва шу асосда аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Электротехника тармоғини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, бутун дунёга машҳур бўлган савдо маркаларига эга бўлган ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этишга йўналтирилган тармоқни ривожлантириш стратегиясини қабул қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, хизматлар кўрсатишнинг янги объектларини барпо этиш ва фаолият кўрсатаётганларини кенгайтириш учун ер участкалари ажратишда, кредит ресурсларини, қурилишга ва муҳандислик коммуникацияларига уланишга рухсат берувчи ҳужжатларни олишда тадбиркорларга кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича мажлис қатнашчилари олдига йўл қўйилган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг мўлжалланган параметрларига эришишни, мақсадли комплекс дастурлар, 2008 йилга Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

Мажлисда республиканинг озиқ-овқат бозорини барқарор таъминлаш ва мева-сабзавот маҳсулотларини ғамлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари бажарилишини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди.

Чорва моллари бош сонини, суғориладиган ерларда озуқа экинлари майдонларини кўпайтириш, чет элдан юқори маҳсулдор зотли моллар келтириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш учун мустаҳкам замин таъминламоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари етиштиришнинг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиши таъминланди.

Республикада ишлаб чиқариладиган асосий озиқ-овқат товарларининг ҳажми ҳамда яратилган ишончли захиралар аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаши, ички истеъмол бозори узлуксиз тўлдирилишини таъминлаши алоҳида қайд қилинди. Озиқ-овқат товарларининг асосий турларини республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари олдига аҳолининг озиқ-овқат товарларининг асосий турларига бўлган эҳтиёжларини узлуксиз қондиришни бундан буён ҳам таъминлаш ҳамда деҳқон ва озиқ-овқат бозорларида нархларнинг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик вазифаси қўйилди.

Шу билан бир қаторда, янги ҳосил йиғиштириб олингунга қадар мавсум оралиғида аҳолига барқарор сотиш учун етарли миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ва полиз экинлари маҳсулотлари ғамлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактаблар битирувчиларини иқтисодиёт тармоқларида ва ҳудудларда талаб қилинаётган мутахассисликларга мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш ва уларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш бўйича ишлари етарли даражада самара бермаётганлиги танқид қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларини жорий йилда тугатган битирувчилари тўлиқ ишга жойлаштирилишини, шунингдек, 2008-2009 ўқув йили битирувчилари учун янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, турар-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврига тайёрлашнинг бориши муҳокама қилинди.

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва турар-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан тадбирлар амалга оширилиши учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, «Ўзтрансгаз», «Ўзбекэнерго» компаниялари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги алоҳида қайд этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари ва вилоятлар ҳокимлари сўзга чиқишди. Қўйилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича республика ҳукумати мажлисида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

СИНОВ АРАФАСИДА

Олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш якунланаяпти

Маълумки, эртага мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари қабул комиссияларига абитуриентларнинг ҳужжат топшириши якунига етади. Тест синови арафасида турган ўрта мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тугатган юртимиз ёшлари бир неча кундан сўнг ўз билимларини синаб кўрадилар.

Ўзининг 90 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қабул комиссияси ҳам ҳужжат топшираётган ёшлар билан гавжум. Бу ерда абитуриентлар учун барча шарт-шароит яратилган.

Нурали МАЖИДОВ, университет қабул комиссияси масъул котиби:

— 2008-2009 ўқув йили учун университетимизнинг 13 та факультетига 42 йўналиш, 84 мутахассислик бўйича абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бугунги кунгача бакалавриат йўналишига кириб ўқиш иштиёқида бўлган 8000 дан ортиқ абитуриентдан ариза тушди. Ҳар қачонгидек, ҳуқуқшунослик ва филология (инглиз тили) факультетларига энг кўп ҳужжат топширилди.

Дарвоқе, янги ўқув йилида «Хитой тили», «Ихтиология», «Генетика», «Биофизика», «Биокимё», «Геофизика», «Гидрогеология», «Геокимё минералогия ва петрография» каби йўналишлар ҳамда «Спорт психокоррекцияси», «Электрокимё» каби янги мутахассисликлар очилган. Мазкур йўналиш ва мутахассисликларга ҳам ҳужжат топшираётган абитуриентлар кўпчиликни ташкил этади. Бу йил Давлат гранти асосида 670 нафар ҳамда тўлов контракти асосида эса 1090 нафар йигит-қиз талабаликка қабул қилинади. Бундан ташқари, университетда филология (ўзбек тили) ва география йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимларга 20 та Давлат гранти асосида, 80 та тўлов контракти асосида ўқишга қабул қилиш учун ўрин ажратилган.

Умиджон ҲОШИМОВ, абитуриент:

— Болалигимдан дунё сиёсати ҳақидаги телекўрсатувларни қизиқиб кўраман. Бундан ташқари, яқин қариндошимиз сиёсат соҳасида ишлайди. Уларга ҳавасим келиб, катта бўлганимда албатта сиёсатчи бўламан, деб орзу қилган эдим. Мана, бугун сиёсатшунослик факультетига ҳужжат топширяапман. Насиб этса, ўқишга кирсам, орзуим ушалади, деб умид қиламан.

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларимизнинг тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, орзу-умидлари ижобат бўлишига тилакдошмиз.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратлар муаллифи Козим ЎЛМАСОВ.

КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ жорий йилнинг 21-24 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Кувайт ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

ТАБИАТНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАШ

давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши

Бугун дунёда кечаётган жараёнга назар ташласак, атроф-муҳит муҳофазаси, айниқса, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш долзарб масалага айланиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Бинобарин, XXI асрга келиб, инсоният глобал иқлим ўзгаришлари, биохилма-хилликнинг бой берилиши, сув танқислиги, қурғоқчилик, чўлланиш ҳамда саноат ва маиший чиқиндилар зиён-заҳмати каби қатор экологик муаммолар билан юзма-юз келдики, уларга оқилона ечим топмасдан туриб, табиатдаги мутаносиблик ва кишилик жамияти тараққиёти, бир сўз билан айтганда, сайёрамизнинг келгуси хавфсизлиги ҳақида гапириш қийин.

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида мана шу ҳақиқатга урғу бериб: **«Асрлар туташ келган палада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди,** — деб таъкидлайди. — **Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум қилиш билан баробардир».** Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида Орол фожиасининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди, пахта яккаҳокимлиги бартараф этилди. Бугун Оролбўйида бепоён яшил ҳудудлар, саксовулзорлар барпо этилиб, Амударё дельтасида кўллар ва сув ҳавзалари яратилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат инъом этган бойликлардан оқилона фойдаланиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлардан бирига айланди. Шу соҳага оид 30 га яқин қонун ҳамда 350 дан ошиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Улар Конституциямиз, Миллий Хавфсизлик концепцияси ва шу соҳага оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, юртимиздаги биоресурсларни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга беками-кўст етказишнинг кафолати сифатида хизмат қилмоқда.

3-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ХУЛОСАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

кейинги ўқув йилини самарали ташкил этишга хизмат қилади

Ўзбекистон ХДПда ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимининг жорий ўқув йилидаги машғулотлари якунланди. Хўш, кўзланган мақсадга эришилдими? Якуний хулосалар нималарни кўрсатмоқда? Бу борада камчиликларимиз нималардан иборат? Тўпланган тажриба ва хулосалардан келиб чиқиб, келгуси ўқув йили машғулотларини қандай ташкил этиш лозим? Ушбу саволлар юзасидан Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раисининг ўринбосари Алписбой Ибадуллаев шундай мулоҳаза юритади:

— Жорий ўқув йилида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида 13 та машғулот ўтказилди. Уларда 1136 нафар фаол иштирок этди. 16 та туман ва шаҳар кенгашида эса 114 та машғулот бўлиб, 5982 нафар фаоллар, электорат вакиллари қатнашди. Машғулотларда жами 552 киши сўзга чиқди. Бу рақамлар ижобий кўрсаткичми ёки салбий?

Ўзбекистон ХДП Элликқалъа, Тўрткўл, Амударё туман кенгашларида сиёсий ўқув машғулотларининг айримлари тиббиёт ва маданият муассасалари, ёшлар кўпчиликни ташкил этган жамоаларда ўтказилди. Бу эса ёшлар орасига чуқур кириб бориш, ХДП ва унинг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятига қизиқишнинг кучайишига олиб келди. Бундан ташқари, ўқув машғулотларининг жойларда ўтказилиши партиямиз электоратининг эҳтиёжларини, муаммоларини чуқур ўрганишга, мамлакатимиздаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазиятга нисбатан партия аъзоларининг муносабатини аниқлаш, ёш авлоднинг «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросида иштирокини кучайтириш имкониятини кенгайтирди. Сиёсий ўқувларда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотига аъзолик, унинг раҳбар органларига сайланиш ҳуқуқи, ХДПдан сайланган депутатларга мурожаат қилиш имкониятлари, истеъмолчилар ҳуқуқлари, меҳнат шартномасини тузишда қўйиладиган талаблар, тиббий хизматлардан фойдаланиш ва бошқа масалаларда тушган саволларга жавоблар берилди.

Ҳар бир туман ва шаҳарда 2-3 та БПТда ўқувлар тажриба сифатида ташкил қилинди. Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар, Нукус, Амударё, Кегайли туман ташкилотларида БПТдаги ўқувларда фаоллар билан бирга, тарафдорлар, ХДПдан сайланган маҳалий Кенгашлар депутатлари, ижтимоий шерик ташкилотлар вакиллари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, тарғиботчилар гуруҳи аъзоларини жалб қилишга кўпроқ эътибор қаратилди.

Ўқув машғулотларини юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ХДП кенгашларида 16 та Ахборот-ресурс маркази ёки Ахборот-ресурс бурчаги ташкил қилинди. Уларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон ХДП ҳужжатлари, парламентдаги фракциямиз, депутатлик гуруҳлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолиятига оид материаллар, услубий қўлланмалар, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий адабиётлар, рисола, буклет, газеталар тахламлари мавжуд.

Аммо ўқув машғулотларининг ташкил этилишида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Сиёсий ўқувларда тарғиботчилар партия сайланма органлари аъзолари, депутатлари, экспертлари имкониятларидан етарли фойдаланилмаяпти. Кўпгина ҳолларда доимий маърузачилар жалб қилинади. Баъзи туманларда ўқув машғулотларини бошқа тадбирларга қўшиб ўтказиш ҳоллари учрамоқда. Кўпчилик туман ва шаҳарларда БПТдаги сиёсий ўқувлар талабга жавоб бермаяпти.

ЎзХДП кенгашларидаги АРМдан 10 таси алоҳида хонада, 7 таси биргаликдаги хонада жойлашган. Уларда юзлаб адабиётлар жамланган. Аммо Амударё, Канликул, Элликқалъа, Мўйноқ, Хўжайли, Беруний, Нукус, Шуманой туман кенгашларида ҳар бир АРМга 14-17 дона адабиёт тўғри келади, холос. Бу ҳолда АРМнинг сиёсий ўқувлар савиясини кўтаришга таъсири сезилмайди.

Ўқув машғулотларига ёшлар, Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, ОАВ вакилларини янада кенгроқ жалб қилиш талаб этилади. Маърузаларда мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб маҳаллий мисол ва рақамлардан кўпроқ фойдаланиш зарур, назаримда. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими сафдошларимиз ва электоратимиз учун доимий назарий ҳамда амалий ёрдам манбаи бўлиб қолмоғи лозим. Ўқувларда фақат партия лидерлари эмас, ХДПга хайрихоҳ жамиятшунос, сиёсатшунос олимлар, амалиётчилар маърузачи сифатида жалб қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, янги ўқув йили машғулотларида партиямиз ижтимоий идеали, инсон ҳуқуқлари, Мустақилликнинг 17 йиллиги, демократик сайловлар, «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросида ХДП ташкилотлари ва бошқа тузилмаларнинг иштирокига доир масалалар ўз аксини топиши лозим, деб ўйлаймиз. БПТда сиёсий ўқувларни кўпроқ ўтказиш зарурлиги партия етакчилари, шунингдек, кўплаб иштирокчилар томонидан ҳам олға сурилаяпти. Сабаби, БПТ бевосита одамларнинг яшаш ёки иш жойларида фаолият кўрсатади. Бу ерда партия ташкилотлари ва уларнинг фаолияти ҳақида жамоатчилик фикри, одамларнинг ХДПга муносабатини ўрганиш имкони кенгаяди. Ўз ечимини топмаётган ёки ечими чўзилиб бораётган масалаларга эътибор бериш, шундай муаммоларни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни жамоатчилик назаридан ўтказиш, унинг иштирокини таъминлаш партиямизнинг ўз электорати, сайловчилар орасидаги нуфузини янада кўтаради.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ
ёзиб олди.

ТЎЁНА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

«Бухороуйқурилиш» масъулияти чекланган жамият бинокорлари мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига муносиб тўёна ҳозирламоқдалар. Улар Жондор туманидаги Навработ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биносини тез суръатлар билан барпо қилмоқдалар.

— Уч гектар майдонни эгаллаган бу иншоот қурилишига давлат бюджети ҳисобидан 1 миллиард 950 минг сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган, — дейди жамият бош муҳандиси Соҳибназар Холов. — Ҳозиргача ана шу маблағ тўла ўзлаштирилди. Пардозлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Ҳадемай, коллежни фойдаланишга топширамиз...

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Публицист минбари

КЎЗИМИЗГА ТЎТИЁ ДОН...

Фаровонлик, тинчлик, қут-барака рамзи у абад,
Донасин ҳам ўпмоқ, тавоб — савоб, миллий қадрият.

Номи ҳамиша бош ҳарф билан ёзишга муносиб мўътабар неъмат — НОН, бу — ДОН ҳосиласи... Аллоҳга шукроналар бўлсин, у етиштирилаётган далалар — Ўзбекистон буғдойзорлари 17 йилки, Мустақиллик деган тушунчанинг ўзидай кенг, ўзидай мафтункор ва дилбар...

Ташбеҳли қилиб айтганда, Ўзбекистон Истиқлол йиллари бошидаёқ эккан уруғ эндиликда йил сайин файзу барака бўлиб қайтмоқда. Унинг экин майдонлари 1993 йилдан бошлаб кўпайтирила бошланди. 1996 йилга келиб, умумий ғалла майдони 1116,2 минг гектарга етказилди...

Ҳолбуки, 1990-1992 йилларда жами ғалла пайкаллари 770-870 минг гектар атрофида бўлиб, унинг атиги 220-300 минг гектари суғориладиган ғаллазор эди. Қолаверса, бунинг ҳам асосий қисмини баҳорда беда билан аралаштириб экилган дон ташкил қиларди. 550-560 минг гектар атрофидаги лалмикор майдонлар ҳосилдорлиги ўртача 7,5-9,0 центнердан ошмасди...

Орадан ўн йилча вақт ўтди. 2002 йилда ҳосилдорлик гектар бошига 42,4 центнерга етди. Эътибор қилинг, 1992 йили 23,5 центнер бўлган, демак, қарийб 2 маротаба кўп! Ялпи ҳосил эса суғориладиган майдонларда 1993 йилдаги 814 минг тоннадан 2002 йилда 5366,8 минг тоннага ўсди.

Шу тарзда мамлакатимизда бошланган ғаллачиликни ривожлантириш эзгу ҳаракатлари 1997-1998 йилларда тўла амалга оширилди. 1998 йилдан эътиборан давлат эҳтиёжи учун сотиб олинаётган дон миқдори 2 миллион тоннадан ошди. Пировардида, четдан ғалла сотиб олишга эҳтиёж қолмади. Ғаллачилик сердаромад соҳага айланди. Ҳосилдорлик кўшни республикаларга нисбатан 1,5-2 бараварга ортиши кузатилди. Қишлоқ хонадонларида 10-15 қопгача ун захираси пайдо бўлди. Чунки аҳоли ҳам бу йилларга келиб, давлат томонидан ижтимоий ҳимоя йўлида ажратилган қўшимча ер майдонлари — томорқаларида дон етиштириш ҳадисини олди. Натижада, 2002 йили, аҳоли томорқаларида етиштирилган бошоқли экинлар ҳосилини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, мамлакатимизда илк бор 5 миллион тонналик дон хирмони уюлди.

Ниҳоят, Мустақилликнинг ўн еттинчи йили — 2008 йилнинг 17 июлигача дон хирмонимиз **6 миллион 175 минг тоннадан зиёд** тош босди. Ҳосилдорлик ўртача 48 центнерга етди. Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида бу 50-60 центнерни кўрсатди. Оқдарё, Денов, Пахтаобод, Избоскан, Сариосиё туманларида 58-65 центнергача ўрлади. Айни шу рақамлар мамлакатимизда бу йил ўтган йилга нисбатан қарийб 230 миллиард сўмдан кўпроқ даромад олинишини таъминлади. Бошқача айтганда, ғаллакорларимиз тармоқ тарихида биринчи марта 1 триллион 37 миллиард сўмдан зиёд наф кўрдилар. Айни чоғда аҳоли ихтиёрида қолдирилган 3 миллион 300 минг тоннадан ортиқ ғалла деҳқон ва фермер хўжаликлари аҳли рўзғорига қут-барака киритди. Зеро, бу кўрсаткич ва бу далил ҳозир дунё миқёсида жуда катта аҳамият, жуда чуқур мазмун-моҳият касб этадики, буни ҳар бир киши ёрқин ҳис этиши шаксиз.

Бу рақамлар, бу аҳамият ва бу моҳиятни Президентимиз Ислом Каримов **«Ўзбекистон ғаллакорларига»** йўллаган Табрик хатида теран таърифлаган: **Бугунги кунда дунё миёқсида дон маҳсулотлари масаласида мураккаб вазият вужудга келаётгани, айрим мамлакатларда бу борада жиддий тақчиллик юз бераётгани, буғдойнинг нархи қандай ортиб бораётгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро минбарлардан бу ҳақда катта ташвиш ва хавотир билан гапирилаётганини инобатга оладиган бўлсак, азамат деҳқонларимиз бунёд этган бу ғалла хирмонининг аҳамияти ва моҳиятини яна бир бор ҳар томонлама ҳис этишимиз, уларнинг том маънодаги буюк меҳнатига тан беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан».**

Энди тасаввур қилинг: мамлакатимиз Мустақиллигининг илк кезлари, аниқроғи, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида республикамизда кўп нарсаларда узилиш бўлди. Жумладан, дон ва дон маҳсулотлари танқислиги рўй бериб, бир муддат қийин аҳволда қолдик. Давлатимиз раҳбари 1992 йилнинг июлида, Олий Кенгашнинг X сессиясида буни очиқ айтган эди: **«Жуда оғир аҳволга тушиб, нақд очарчилик остонасида турибмиз... Халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилди...»**

Бу гаплар ортида, шубҳасиз, жуда катта муаммо, жуда катта ташвиш, жуда катта вазифа ётарди. Зудлик билан мамлакат аҳолисини ўзимизда етиштирилган дон билан таъминлаш юзасидан махсус Дастур ишлаб чиқилди. 1993 йилдан бошлаб йил сайин кенгайтирилган ғалла майдонларимизнинг бугунги ҳосиласи айни ўша Дастур ўзагида ниш урганди...

Истиқлолгача пахтадан бошқа экин экилмаган далаларда эндиликда минг-минглаб гектарлик буғдойзорлар ҳар йили денгиздек мавжланиб туради. Ўзбек деҳқони омбори йил сайин донга тўлмоқда, дастурхонидан ўз нони узилмайди... Ҳа, яқин ўтмишда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик дон минг машаққат эвазига четдан келтирилган республикада қисқа вақт ичида чинакам мўъжиза юз берди. Кечагина юз минг тоннанинг нари-берисида буғдой етиштирилган ўлкада **(бизнинг ўлкамизда!)** бугун 6 миллион 175 минг тонналик олтинранг хирмон товланмоқда...

Юртбошимизнинг ғаллакорларга йўллаган табригида таъкидланганидек: **«Халқимиз азал-азалдан нонни эъзозлаб, кўзига тўтиё қилиб яшайди. Нонни мўътабар деб қадрлаш, унинг ушоғини ҳам исроф қилмаслик бизнинг ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган, тарихий хотирамиздан чуқур жой олган, десак, асло муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, нон биз учун фаровонлик, тинчлик ва файзу барака тимсолидир...»**

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

КОРХОНА ОЁҚҚА ТУРДИ



«Китоб темир-бетон буюмлари» масъулияти чекланган жамияти тумандаги илғор корхоналардан бири. Банкротлик ҳолатига тушиб қолган корхона тезкорлик билан амалга оширилган тадбирлар туфайли ўзини ўнглаб олди.

— Жамиятимизда 170 нафар мутахассис, ишчи-ходим меҳнат қилмоқда, — дейди корхона раҳбари Рустам Комилов. — Жорий йилда 10 минг куб метр темир-бетон буюмлари, 90 минг куб метрга яқин шағал, майда тош, ювилган қум маҳсулотларини тайёрлаб, қурилиш объектларига жўнатамиз. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида иккита «Супер-Маз», иккита прицеп тиркама, учта енгил автомашина харид қилдик.

Айни пайтда жамият томонидан тайёрланаётган темир-бетон ёпма плиталар, пойдевор учун махсус блоклар, ювилган шағал, майда тош ва қум маҳсулотларидан вилоятда барпо этилаётган коллеж ва лицей бинолари, саноат корхоналари ҳамда янги темир йўл қурилишларида фойдаланилмоқда.

Суратларда: *корхона фаолиятидан айрим лавҳалар.*

Шомурод ШАРОПОВ
олган суратлар.

ЎзХДП вилоятлар кенгашида

ЭЛЕКТОРАТ МАЪНАВИЯТИ

ЎзХДП Дастурида партия мафкуравий тамойиллари миллий маънавиятимиз ва миллий ғояга таяниши таъкидланган. Шу боис, партия Самарқанд вилоят ташкилотлари электорат манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, унинг маънавиятини юксалтириш, пировардида ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратаяпти. Бу ишга партиядан сайланган депутатлар ҳам кенг жалб этилган.

ЎзХДП вилоят кенгашида «Миллий ғоя ва маънавий юксалиш: тамойиллар ва вазифалар» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференцияда бу борадаги ишлар яна бир бор муҳокама этилди. Унда ЎзХДП шаҳар ва туман кенгашлари раислари, депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаоллари, олимлар, маҳалла оқсоқоллари иштирок этдилар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева маънавий янгиланиш жараёни ва унда партиянинг роли ҳақида тўхталди.

— Электоратимизнинг ҳозирги савияси, тушунчаси бундан 5-6 йилдагидан тубдан фарқ қилади, — деди у. — Сиёсий партиялар рақобати шаклланган шароитда ҳар битта аъзо билан алоҳида шуғулланишга тўғри келади. Нафақат маҳаллий Кенгашлар сессиялари, балки ижроия органларига ҳам таклиф ва тавсиялар беришни кучайтирмоқ зарур. Яна бир муҳим имконият — оммавий ахборот воситалари ҳамда жойлардаги ижодий учрашувлардан оқилона фойдаланишдан иборат.

Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси, Алишер Навоий номли давлат стипендияси соҳиби, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Муножот Исомиддинованинг мулоҳазалари анжуманга жўшқинлик киритди.

— ЎзХДП фаолларининг ўзлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари ҳар доим юксак маънавий савия намойиш этишлари керак, — деди у. — Чунки мулоқот ёки учрашув чоғида нотиқнинг маънавий даражасига қараб, одамлар партиямиз обрўсига баҳо беради. Шунинг учун, айниқса, партия тарғиботчилари ва фаолларини доимо янги ахборотлар билан қуроллантириш тизимини, Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириб бориш зарур.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев партиядан сайланган депутатлар масъулияти, уларнинг ижтимоий фаоллиги хусусида мулоҳаза юритди. Анжуман қатнашчилари партия шаҳар ва туман кенгашлари раислари, депутатларнинг оммавий ахборот воситаларида тез-тез чиқиб туришларини уюштириш масалалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Абдуғофур ШЕРХОЛОВ

Саховат

Бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаш халқимизга хос фазилат. Шу боис, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олишдек ўлмас анъаналар мустақиллик шарофати билан янада қадр топди.

ХИММАТ ЎЛМАС ҲИКМАТДИР

Денов туманида 300 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг беш мингга яқинини кам таъминланган, 18 минг 820 нафари кўп болали, 7 мингдан ортиғи боқувчисини йўқотган оилалар. Сўнгги йилларда аҳолининг ушбу қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрли ишлар амалга оширилаётир. Ўтган йили туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда саховатпеша инсонлар ташаббуси билан 50 та оилага соғин сигир тарқатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида яна 26 хонадон шундай имкониятга эга бўлган.

— Туманимиздаги кам таъминланган қатлам изчил рағбатлантириб борилмоқда. — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман кенгаши раиси, ЎзХДП фаоли Ўрол Ҳамроев. — Яқинда «Сина» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Шамсилло Алибоев, Аҳмад Турдиев номидаги маҳаллада яшовчи Турсун Икромовлар оиласига ҳам бир бощдан соғин сигир топширдик.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

ТАБИАТНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАШ

давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эндиликда атмосфера ҳавосини асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш муҳим экологик вазифалардан бири ҳисобланади. 1996 йилда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун мазкур масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қимматли ҳужжатдир. Ушбу қонун кучга киргач, саноат, энергетика ва транспортдан атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори 1989 йилга нисбатан 2 миллион тоннага камайди. Стационар манбалардан чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдори эса 600 минг тоннага қисқарди. Ўз вақтида бу кўрсатгич 1,3 миллион тоннани ташкил этган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этган ҳужжатлардан яна бири 2000 йили қабул қилинган «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонундир. Ўтган вақт ичида давлат экологик экспертизаси томонидан 44 мингта объектнинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш даражаси аниқланди.

Экологик тоза қайта тикланувчи манбаларни ҳаётга кенг жорий этиш мақсадида 2005 йили қўмитада «Экоэнергия» илмий-тадбиқий марказ ташкил этилди. Марказ электр ва иссиқлик ишлаб чиқариш жараёнида иқлим ўзгаришининг олдини олиш масалаларини тадқиқ этиб, шу асосда меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, қазилма ёқилғи манбаларини иқтисод қилиш учун экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини тадқиқ этиш ва улардан кўламли фойдаланиш мақсадида иш олиб боради.

Айтиш керакки, қуёш энергияси фойдаланишга қулай ва оддий, шу боис у истиқболли тикланувчи энергия манбаи ҳисобланади. Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашиши ва иқлим шароити қуёш энергиясидан кенг кўламда фойдаланиш учун қулай имкон беради. Шунинг учун бу борада бир неча йўналишда тадқиқот ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йиллар давомида пойтахтимизнинг «Сувсоз» мавзесида жойлашган қатор кўпқаватли уйлар ва бошқа бинолар томига қуёш сув иситгичлари ўрнатилди. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ихтиологик мониторинг марказига, Жайрон экомарказига, Ҳисор давлат қўриқхонасига, Сурхондарё вилоятида жойлашган бир неча шифохоналарга ҳамда «Оқтепа» табиат боғига ўрнатилган қуёш энергияси билан ишлайдиган қурилмалар муваффақият билан ишлатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, қўмитамиз Оролбўйи минтақасида аҳоли турмушини яхшилаш, саломатлигини муҳофазалаш, бунинг учун биохилма-хиллиги, флора ва фаунани ҳимоялаш борасида ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик жамғармаси билан ҳамкорликда «Амударёнинг қуйи қисми — Қорақалпоғистон Республикасида тўқай ўрмонларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш» лойиҳаси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. БМТ Тараққиёт дастури асосида амалга оширилган «Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолиси учун тоза энергия» қўшма лойиҳаси ана шуларнинг биридир. Ундан кўзланган мақсад — ушбу ҳудуднинг марказий электр тармоғига уланиши қийин, узоқда жойлашган алоҳида фермер хўжаликларини автоном қуёш энергияси — фотоэлектр тизими (ФЭТ) билан таъминлашдан иборат.



Бинобарин, лойиҳа доирасида Тахтакўпир туманидаги «Мулк» ширкат хўжалигига қарашли Қоструба посёлкасида 36 та маиший ФЭТ, 7 та қудуқдан сув тортиш ФЭТи, Қораўзак туманидаги Қўйбой посёлкасида 9 та қудуқдан сув тортиш ФЭТи ўрнатилди. Бу туманлар экологик мураккаб ҳудудда жойлашган.

Шундай қилиб, 36 та маиший ФЭТ ўрнатилиши натижасида ҳавога зарарли моддалар чиқариш 88,2 тоннага қисқарди. Энг муҳими, аҳоли қулай ва беминнат электр қуввати манбаига эга бўлишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти лойиҳаси асосида Орол минтақасида барпо этилган 30450 гектарлик саксовулзор, Амударё дельтасидаги 150 минг гектардан ошиқ оби ҳаёт манбалари фикримизнинг тасдиғидир.

Табиатни асл ва мусаффо ҳолида сақлашда биогаз технологияларидан фойдаланиш ҳам истиқболлидир. Қўмитамизнинг бир қатор объектларида қуёш фотоэлектр станциялари ва сув иситгичлари, микроГЭСлар, биогаз қурилмалари мунтазам ишлаб турибди. Сурхондарё вилоятидаги «Табиат» илмий-ишлаб чиқариш тажриба маркази, «Зомин» Мониторинг Маркази, «Жайрон» Экология Маркази, шунингдек, Тошкент, Андижон, Жиззах вилоятларида ана шундай қурилмалар фаолият кўрсатмоқда.

Тажриба шуни кўрсатдики, бу қурилмалар табиий газни иқтисод қилиш билан бирга, атмосферага чиқадиган зарарли моддалар миқдорини йилига 500 тоннагача қисқартиради.

Бугун ривожланган мамлакатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида «Зарар етказдингми — товонини тўла» деган қоида амал қилади. Мамлакатимизда ҳам 1992 йилдан эътиборан атроф-муҳитни меъёридан ортиқ ифлослантирганлик учун тўлов тизими жорий қилиниб, табиий бойликлардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларини бузган шахслардан жарима ундириш жорий этилди. Жарима сифатида тушган маблағдан самарали фойдаланиш мақсадида қўмита тизимида республика ва маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари ташкил этилди.

Маълумки, биохилма-хилликни сақлаб қолиш атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ажралмас қисмидир. Шу мақсадда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрларини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақидаги давлат кадастрларининг электрон базаси ишлаб чиқилмоқда. Жиззах ва Навоий вилоятларидаги ҳайвонот ва набобот олами кадастрлари буюртмахоналарида кам учрайдиган, эндемик ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турлари, шунингдек, Устюртдаги «Сайгачий» ва «Судоче» номли муҳофаза этиладиган ҳудудларда ўсадиган ёввойи техник ўсимликларнинг давлат кадастри тузилди. Ушбу тадбирлар республикада биоресурслар захирасини аниқлаш ва Қизил китобга маълумотлар тайёрлаш имконини яратди.

Айни вақтда, Жаҳон банки кўмагида «Дренаж ва суғориш инфраструктурасини реконструкция қилиш ва ботқоқликларни тиклаш» лойиҳаси устида ҳам иш олиб бориляпти. Ушбу лойиҳа Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа ҳудудидаги 10 минг гектарга яқин суғориладиган майдонда мелиорация ҳолатини яхшилашга қаратилган бўлиб, мазкур майдонда суғориш ва дренаж инфратузилмасини тиклаш, ботқоқлик ва меъморий объектлар ҳолатини яхшилаш, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил этишни кўзда тутади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича Вена конвенцияси; Биологик хилма-хиллик; Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш; Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ўсимлик ва ҳайвон турлари билан савдо қилиш; Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисидаги бошқа Конвенцияларга қўшилган.

Мамлакатимизнинг ушбу Конвенцияларга қўшилиши грант шаклидаги чет эл сармояларини жалб қилиш имконини бермоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда бир неча йўналишларда халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондаги табиатни муҳофаза қилиш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, тоза ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича Миллий марказ ва Қизилқум-Нурота биосфера қўриқхонасини ташкил этиш, БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамкорлигидаги Атроф-муҳит дастури, Ғарбий Тянь-Шанда биохилма-хиллик бўйича трансчегаравий лойиҳа, Озон қатламини ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳалар, Марказий Осиё мамлакатларидаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан минтақавий режалар шулар жумласидандир.

Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилишнинг янги тизими яратилди ва кўпдан-кўп эзгу ишлар амалга оширилди. Бугуни кунга келиб, мамлакатимизда экологик муҳит барқарорлашуви кузатилмоқда. Лекин режали асосда, узоқни кўзлаб, она табиатни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш йўлида янада қатъият билан ҳаракат қилишимиз талаб этилади.

Келгусида мамлакатимиз экологик хавфсизлигини таъминлаш борасида олдинда турган устувор вазифалар оз эмас, албатта. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни йўлга қўйиш, сув захиралари ифлосланишини камайтириш чора-тадбирларини кучайтирмоғимиз лозим. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш соҳасига иқтисодий механизмларни янада кенгроқ жорий этиш ҳамда иккиламчи ресурслардан фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш ва бошқа муаммолар устида иш олиб бораяпмиз. Атмосфера ҳавосини ифлосланишига сабаб бўлаётган транспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини камида 7-8 фоизга камайтириш устида ўйлаяпмиз.

Шунингдек, иқлим ўзгаришини олдини оладиган қайта тикланувчи экологик тоза энергия турларини янада кенгроқ жорий қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни экологик онгини кўтариш, экологик таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришдек муҳим вазифалар турибди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир.** Она табиатни асраб-авайлаш ва уни асл гўзаллигича келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Борий АЛИХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси.

ХОРИЖДА

ХАНГУ "ТОЛИБОН"ДАН ХАЛОС БЎЛДИ

Покистон армияси мамлакат шимоли-ғарбида жойлашган Хангу шаҳридаги "Толибон" жангариларини йўқ қилди, деб хабар беради Reuters.

Ҳарбийлар жангарилар жойлашган лагерни тозалаб, ўша ҳудуддаги сув тўғонини назорат остига олишди. Хангуда комендантлик соати жорий қилинди. Анчадан бери Хангуни назорат қилиб келган "Толибон" жангарилари ҳукумат ўзларининг етти нафар маслақдошини қамоқдан озод қилмаса, асир олинган 49 нафар зобит ва ишчиларни ўлдиришини айтган эди. Reuters таъкидлашича, ҳарбийларнинг бу хатти-ҳаракатига мана шу талаб сабаб бўлган бўлиши мумкин.

ҚЎРҚИНЧЛИ ХАТАР САБАБЧИСИ

Глобал исишнинг асосий сабабчиси бўлган парник газини камайтириш мумкин, дейилади Колумбия университети илмий оммабоп нашрида.

Олимларнинг фикрича, техноген газлар ортиб кетиши туфайли улар атмосфера қобиғини чойшабдек ўраб олиб, иссиқликнинг фазога тарқалишига халақит бермоқда. Буни бир неча усул билан бартараф этиш мумкин. Мэриленд штати университети мутахассислари ҳаводаги парник газни ютувчи махсус ўрмонлар ташкил қилиш ва бу дарахтларни кейинчалик чириб ёки ёниб кетмаслиги учун шахталарга кўмишни таклиф қилган.

АВТОМОБИЛЬ УЧУН ТАБИИЙ ЁНИЛҒИ

Германиянинг «Чорен индастриз» компанияси қишлоқ хўжалиги чиқиндилари — ўсимликлар псяси ва похолдан автомобиль учун табиий ёнилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундан аввал ёнилғи тайёрлашда буғдой, картошка ва лавлагидан фойдаланилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ихтиро қилинган янги усул анча арзонга тушади.

Маълумотларга қараганда, «Чорен индастриз» йилига ўн беш минг тонна табиий ёнилғи ишлаб чиқариш қувватига эга.

ШАҲЗОДА ҚОНУННИ БУЗДИМИ?

Лихтенштейн шаҳзодаси Филипп ва у бошқараётган LGT банки, Швейцариянинг UBS йирик банки америкалик магнатларга маблағлардан солиқ ушламасликка ёрдам берган, дейилади АҚШ Сенати назорати остидаги текширув ҳисоботида.

Унга кўра, энг бадавлат америкаликлар 1,5 триллион долларни мазкур нуфузли банклар ёрдамида яшириб, 100 миллиард доллар миқдорида солиқни тўламаган. Швейцариянинг UBS банки ҳисоботга жавоб тариқасида мамлакат ҳудудидан ташқаридаги АҚШлик мижозларига баъзи хизмат турларини бекор қилди. АҚШ ҳукумати Швейцария молия вазирлигидан текширув бўйича UBS банкининг солиқдан сақлаб қолувчи усуллари тўғрисида маълумот беришни расман сўраган.

Лихтенштейннинг АҚШдаги элчихонаси мазкур ҳисобот ҳукумат томонидан текширилаётганини, ҳақиқатан қонун бузилиш ҳолати аниқланса, керакли чоралар кўрилишини маълум қилди.

ЖИНОЯТЧИДАН ҚУРОЛ БИЛАН ҲИМОЯЛАНСА БЎЛАДИ

Буюк Британия янги қонун қабул қилди.

Унга кўра, бундан буён фуқаролар ўзини ва мол-мулкини жиноят кодексини бузишдан қўрқмай ҳар қандай йўл билан ҳимоя қилиши мумкин. The Daily Telegraphнинг ёзишича, британияликлар ўз ҳаёти ва уй-жойини ҳатто қурол ишлатиш йўли билан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бунга ўзини ўзи ҳимоя қилиш бўйича инсон ҳуқуқларини кенгайтиришга оид жамоатчилик компанияси, мухтасар айтганда турли хил тажовуз ҳолатларининг кўпайгани сабаб бўлди.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- *ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).*

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари каторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон. Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ҚУЙИ СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ЖИЗЗАХ ГИДРОГЕОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т.р.	Объект номи ва манзили	Қуввати	Қурилиш муддати
	ЛОТ №1:		
Лот 1-1	Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги «К- 9» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш	69,03 км.	2008 йил 31 октябргача
Лот 1-2	Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги «К- 8» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш (II босқич)	27,74 км.	2008 йил 30 сентябргача
Лот 1-3	Жиззах вилояти, Зафаробод туманидаги «Чуқурсой» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш	43,54 км.	2008 йил 30 сентябргача
Лот 1-4	Жиззах вилояти, Пахтакор туманидаги «Оқбулоқ» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш (I босқич)	63,79 км.	2008 йил 31 октябргача
	ЛОТ №2:		
Лот 2-1	Жиззах вилояти, Зомин туманидаги «К-3, К-4» коллекторлар тизимини тиклаш ва таъмирлаш (II босқич)	41,56 км.	2008 йил 30 сентябргача
Лот 2-2	Жиззах вилояти, Зомин туманидаги «К-5, К-6» коллекторлар тизимини тиклаш ва таъмирлаш	64,05 км.	2008 йил 31 октябргача
Лот 2-3	Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги «Пограничний» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш	26,86 км.	2008 йил 30 сентябргача
Лот 2-4	Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги «Қли» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш	44,81 км.	2008 йил 30 сентябргача
Лот 2-5	Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги «Музбулоқ» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш	14,0 км.	2008 йил 30 сентябргача
	ЛОТ №3:		
Лот 3-1	Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги «ЦК-11-1 ва ЦК-12» коллекторлар тизимини тиклаш ва таъмирлаш (II босқич)	77,25 км.	2008 йил 31 октябргача
Лот 3-2	Жиззах вилояти, Дўслик туманидаги «ПК-1» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш	72,48 км.	2008 йил 31 октябргача
Лот 3-3	Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги «ЦК-9-3» коллектор тизимини тиклаш ва таъмирлаш	99,3 км.	2008 йил 31 октябргача

Ишларни молиялаштириш **Молия вазирлиги қошидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, «Оби-ҳаёт» даҳаси.

Телефон: (8-372) 226-14-76

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)-ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Футбол

САМУЭЛ ЭТО'О «ҚУРУВЧИ» ТАРКИБИГА ҚЎШИЛАДИМИ?

Европанинг машҳур футбол клубларидан бири «Барселона» (Испания) ва Камерун терма жамоалари ҳужумчиси Самуэл Это'Онинг Тошкентнинг «Қурувчи» футболчилари сафига келиб қўшилиши тўғрисидаги гап-сўз ҳамда миш-мишлар тарқалганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ҳақда нафақат мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари, балки дунёдаги қатор спорт нашрлари турли хабарлар тарқатишга улгурди. Бу каби гап-сўзларга 17 июль куни ойдинлик киритилди.

Ўз ишларига профессионалларча ёндашаётган «Қурувчи» футбол клуби қисқа фурсат ичида соҳада талайгина хайрли тадбирларни амалга оширишнинг уддасидан чиққанлигини бугун кўпчилик кўриб-билиб турибди. Ёдингизда бўлса, ўтган йилги Ўзбекистон миллий чемпионатида илк маротаба қатнашишларига қарамай тошкентликлар мавсум якунида кумуш медалга сазовор бўлишган эди. Айни пайтда миллий чемпионатда карвонбошилик қилаётган жамоа аъзолари Осиё чемпионлари лигаси баҳсларида ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. «Қурувчи» мухлислар учун ўйнайди!» шиори остида майдонга тушаётган футболчилар чиройли ўйин намойиш этиш билан чекланиб қолмасдан, турли хайрия акцияларида ҳам фаол қатнашиб келишмоқда. Футбол клуби ҳозир пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйларидан бирини ўз оталиғига олган. Шунингдек, футбол клуби маъмурияти юртимизда ёш футболчилар ҳамда ишқибозлар учун жаҳон футбол юлдузлари иштирокида мастер-класслар, учрашувлар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Хабарингиз бор, ўтган мавсум бошида айнан «Қурувчи» футбол клуби ташаббуси билан Европа ва жаҳон чемпиони франциялик Эммануэл Пети Тошкентга ташриф буюрган эди. Худди шундай бу галги тадбир меҳмони эса яна бир иқтидор соҳиби, ёркин ўйинлари билан мухлислар меҳрини қозонган Самуэл Это'О бўлди. «Қурувчи» футбол клуби ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси таклифи билан юртимизга ташриф буюрган меҳмонга «Барселона» вакиллари — Хоан Патси, Хосе, Мария Месаллес ва Николос Микадзелар ҳамроҳлик қилишди.

Маҳаллий вақт билан тонгги соат 6.30 да Париж — Тошкент авиа рейси билан пойтахтимизга келиб қўнган меҳмонларни ЎФФ раҳбарлари, «Қурувчи» футбол клуби маъмурияти вакиллари ҳамда юзлаб ишқибозлар тантанали кутиб олдилар.

Меҳмонлар делегацияси пойтахтимиздаги «InterContinental» меҳмонхонасида бироз дам олгач, соат 11.30 да Ўзбекистон футбол федерациясига ташриф буюришди. Самуэл Это'О ва унинг ҳамроҳларини ЎФФ бош котиби Сардор Раҳматуллаев кутиб олди. «Барселона» ҳужумчиси билан бўлган суҳбатда Сардор Раҳматуллаев Это'О каби машҳур футболчиларнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимизда футболга бўлган эътибор ва қизиқишни янада ошишига, соҳанинг ривожланишига туртки бўлишини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, халқимизнинг азалий анъаналарига содиқ қолган ҳолда меҳмонларга миллий зарбоп тўнлар совға қилинди.

Шундан сўнг, Это'О ва унинг ҳамроҳлари ЎФФ музейини томоша қилишди ва ўз таассуротлари билан ўртоқлашишди. Ташриф сўнггида таниқли футболчи мухлислар билан эсдаликка суратга тушди ва ўз дастхатларини тақдим этди.

Самуэл Это'О иштирокидаги асосий тадбирлардан бири — мамлакатимиз ва хорижий ОАВ ходимлари билан матбуот анжумани соат 14.30 да «InterContinental» меҳмонхонасида ўтказилди. Унда футболчи айни чоғда таътилда эканлиги ва шу вақт мобайнида дунёнинг бир қатор футбол клубларидан таклифлар тушганлигини, улар орасида «Қурувчи» жамоаси ҳам борлигини билдирди.

— Мен АҚШда таътилдалигимда «Барселона» раҳбариятидан ва бошқа турли клублардан таклиф ва қизиқишлар бўлаётганлигини билдиришди, — деди Самуэл Это'О. — Улар орасида «Қурувчи» жамоаси ҳам бор эди. Шу сабабли «Қурувчи» футбол клуби ва бу ердаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида юртингизга келдим. Клуб раҳбарлари билан танишдим, дўстлашдим. Халқингизнинг самимийлиги ва меҳмондўстлиги, Тошкентнинг гўзаллиги мени ўзига ром этди. Айниқса, одамларининг футболсеварлигидан янада лол қолдим.

Это'О «Қурувчи» футбол клубидан тушган таклифдан мамнун эканини яширмади.

— Ҳамроҳларим билан жамоангиздан тушган таклифни обдон ўрганиб чиқамиз. Каталонияга қайтиб, у ердаги бошқа таклифларни ҳам кўргач, бир қарорга келаман. Таклифлар ичида ўзим учун энг мақбули ва муносибини танлайман, деган умиддаман. Шундан сўнг, «Қурувчи» футбол клуби раҳбариятига ўз қароримни билдираман.

Дарҳақиқат, айни пайтда бу футболчига ҳамюртларимиздан ташқари Италия, Англия ҳамда Туркия давлатларининг ҳам бир қатор жамоалари қизиқиш билдиришмоқда. Агар у «Қурувчи» жамоаси таркибида тўп суришга розилик билдирса, Миржалол Қосимов шогирдларининг Осиё чемпионлари лигаси баҳсларининг кейинги босқичлардаги муваффақиятлари сони янада ошишига катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Матбуот анжумани якунлангач, Самуэл Это'О МҲСК стадионига ташриф буюрди. Бу ерда у минглаб ишқибозлар гувоҳлигида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳамда «Қурувчи» ПФК футбол мактаби тарбияланувчилари учун мастер-класс ўтказди.

Эркин ХОЛБОБО.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Хотира — муқаддас

АДИБГА ЭҲТИРОМ

Куни кеча Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг Чиғатой қабристонидаги қабрига ёдгорлик лавҳа ўрнатилди. Шу муносабат билан бу ерга жамоатчилик вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, мухлислар тўпланди. Сўзга чиққанлар адибнинг ҳаёт ва ижод йўли, истиқлол йилларида яратган асарлари, уларнинг юксак баҳолангани ҳақида сўз юритишди.

Тоғай МУРОД

— Тоғай Мурод...
Кўринмай қолди,
Ҳай, жўралар, қайда у, қайда?
— Ўралашиб кўпкариларга
Учқур, асов отларга анғиб
Юргандир-да, Сурхондайрада.

— Деҳқонқулга жўяк тортишиб
Кун кўпирган тиғиз паллада.
Ўқариққа узала тушиб
Ётгандир-да рўмон чамалаб.

— Деновча дов, бир сўзли, гажир
Тенг-тўшларин топволиб, балки
Том бошида элдан муҳожир
Сирлашарлар елкама-елка.

— Ё, Нормурод полвонга ўхшаб,
Дўст ҳолига дийдаси ачиб
«Раис, наҳс!» деб, барини пешлаб,
Кўрга чорлаб турган бўлса-чи?..

— Бола-чақа, жанда чикора...
Онаизор... ўзини қойир:
«Уни бунча рост қилдинг, ё Раб!
Бунча ҳақдўст туғдим, Худойим!»

Полвон адиб...
Қайдасиз, қайда?
Бўларди-ку, кетсангиз, айтиб.
Сарпайчанг бўп, сурувлар ҳайдаб
Юрибсизми, Сурхонда дайдиб...

Ҳе, қўйинг-е,
Феъл ҳам шунчалар
Чарс бўларми, қайсар бўларми?
Ахир одам, хайр ҳам демай
Дўст-ёронларга... ўларми!

Тоғай полвон...
Кўринмай қолди,
Ҳай, жўражон, қайда у, қайда?
Баковул бўп кураичиларга
Юрганмикин, Хурсандайрада...

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 03.20
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

«ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

илмий-маърифий журналининг янги сони босмадан чиқди. Журналнинг илк саҳифаларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ўрин олган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидовнинг «Инсоният ҳурлигининг буюк хартияси» сарлавҳали мақоласи ҳам Умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган. Унда бу инсонпарвар ҳужжатнинг яратилиш тарихи, ҳуқуқий аҳамияти, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг татбиқ этилиши чуқур таҳлил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақличеванинг «Меҳнат муносабатларидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг бола ҳуқуқларида кафолатланиши», Жума Чоршанбиевнинг «Фуқаролик жамияти шаклланишида жамоатчилик назоратининг аҳамияти», Омина Каримованинг «Бола ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида» сарлавҳали мақолалари ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотларга бағишланган.

Ғулом Мирзаевнинг «Озод Юртнинг обод пойтахти» сарлавҳали мақоласида Тошкент шаҳрининг тарихи, 2200 йиллигига тайёргарлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ўткир Зокировнинг «Матбуот ва сўз эркинлиги», Мурод Турғуновнинг «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи: мазмуни ва долзарблиги» сарлавҳали мақолаларида кўтарилган мавзулар ҳам журнал мухлислари эътиборини қозонади деб ўйлаймиз.

Тиббиёт муассасаларида

БЕКОБОДДА ШУНДАЙ МАРКАЗ БОР

Маълумки, аҳоли саломатлигини муҳофаза этишда санитария эпидемиология назорати марказлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатилган. Улар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида турли хилдаги юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида муайян чоралар кўришмоқда.

Бекобод шаҳар давлат санитария эпидемиология назорати маркази ходимларининг бу борада қатор ибратли тадбирларни амалга ошираётгани эътиборга молик. Марказ ўз тасарруфидаги ҳудудларда огоҳлантирувчи ва жорий санитария назорати фаолияти самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш шароитларини яратиш, атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилаш, юқумли ва касб хасталиклари билан касалланиш ҳолатларини камайтириш, уларнинг келиб чиқиш омилларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Олиб борилган тезкор тиббий профилактик чоралар туфайли Бекобод шаҳрида ўтган йиллар давомида ўта хавфли юқумли касалликлар билан касалланиш ҳолатлари қайд этилмади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чегара ва божхона ходимлари билан ҳамкорликда сифатсиз парранда гўшти, бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ушлаб қолинди ҳамда лаборатория таҳлиллари натижаларига кўра, истеъмолга яроқсиз деб топилиб, йўқ қилинди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида санитария назорати маркази талабига биноан Гидрометрия қўрғони ва Ғиштчилар шаҳарчасида ичимлик сувини тозалаш иншооти қуриб битказилди. Ёзги мавсумда бозорларда сифатсиз ва тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини бартараф қилиш мақсадида санитария талабномалари тарқатилиб, доимий назорат ўрнатилган. Бундан ташқари, ҳафтанинг ҳар душанбаси «Санитария куни» деб эълон қилинган.

Айниқса, боғча ёшидаги болалар соғлигини ҳимоя этиш мақсадида марказ томонидан берилган санитария тавсияномаларига кўра, «Ўзметкомбинат» АИЧБга қарашли 10 та болалар боғчаларида кузги-қишки мавсумни талаб даражасида ўтказишни таъминловчи автоном иситиш тизими қуриб берилди.

Дарвоқе, Бекобод саноат шаҳри ҳисобланади. Завод ва корхоналар, турли муассасалар томонидан экологик муҳит мувозанатини асраш йўлида турли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Лекин бу борада ҳали яна амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп. Шунингдек, шаҳар ҳудуди ва атрофида ҳосил бўлган кўлмак сувларни ўз вақтида зарарсизлантирилиши ҳамда энтомологик текширувлар самарали олиб борилиши натижасида келиб чиқувчи касалликларнинг олди олинмоқда. Бир сўз билан айтганда, кеча-ю кундуз аҳоли сиҳат-саломатлигини ҳимоя қилиш ва юртдошларимизнинг соғлом, осойишта ҳаёт кечиришлари йўлида тинмай хизмат қилаётган мазкур марказ ходимлари ўз бурчларини сидқидилдан адо этаяпти.

Шерқўзи ИМОМОВ

Ҳаёт сабоқлари

ГИНА

Ўсмирлигим уруш даврига тўғри келган. Қўлидан иш келадиган эркаклар жанггоҳга кетган. Қишлоқда фақат хотин-халаж, болалар ва қариялар қолган. От ҳайдаш, арава қўшиш, юк ташиш каби жиддий юмушларни биз, ўсмирлар бажарар эдик. Мен салт от қўшилган ағдарма арава ҳайдар эдим. Аравада асосан бузилган кўрғон ва иморатларнинг кесаклари, ҳовлилардаги, отхона ва молхонадаги гунг-нури далага ташиларди. Арава пастаккина бўлиб, яшиги темир илгак билан шотига маҳкамлаб қўйиларди. Илгак чиқарилса, бас, арава яшиги кўтарилиб, ундаги юк ерга ағдариларди.

Бир воқеа ҳамон ёдимда. Арава ҳайдаб кетаётган эдим. Отхона томон бурилишим билан от ҳуркиб, бирдан олиб қочди. Жиловни ҳарқанча тортсам ҳам тўхтай демасди. Жонивор шундай учиб борар эдики, йўлда юрган болалар зўрға ўзларини четга олиб қочарди. Бир пайт қарасам, отам. У киши маҳалламиз домласи билан гаплашиб турган экан, мени кўриб, отни тўхтатмоқчи бўлишди. От баттар чўчиди, янада илдамлаб, қуюндай ўтди-кетди. Ҳатто арава ағдарилишига сал қолди. Жонивор отхонага бурилди-ю, ҳансираганча тўхтади-қолди.

— Тинчликми? Нима гап? Отни қамчиладингми? — деди отбоқар ҳовлиқиб келиб.

— Йўқ, урмадим. Отхона томонга буришимни биламан, бирданига олиб қочди. Тўхтатишга кучим етмади, — дедим қамчинни аравага ташлаб.

— Ҳечқиси йўқ. От оч бўлса, шундай қилади. Аравадан чиқариб охурга боғла, чаққон қимирла, — деди отбоқар ва от томон юрди. — Араванг ағдарилмаганига шукур қил. Ағдарилганда борми, бу нотекис йўлда аравангнинг абжаги чиқиб кетарди, уни тўламасанг бўлмасди. Менга қара, аравани бир четга олиб, икки-уч челак сув сепиб юбор, фалокатинг аригани рост бўлсин, — деб қўлимга челакни тутқазди.

Мен шу юмуш билан овора бўлдим. Суюнганимдан аравадаги кийим-бошимни ҳам шалаббо қилиб ташлабман. Отбоқар эса отни яғринига шапаталаб уриб, «Қорнинг очибди-да», деб эркалаб қўйди.

Кечқурун уйга келсам, онам хавотирда. Отам эса хўмрайганча ўтиб кетдилар. Ҳатто нима гап деб сўрамадилар ҳам. Овқат пайтида ҳам сўз очилмади. Эртасига ҳам индамадилар. Мен эса гуноҳим нималигини билмай, хунобман. Кечқурун келсам, онам гап бошлаб қолдилар.

— Кеча отанг қори ака билан гаплашиб турсалар, аравангни тўхтатмай ўтиб кетибсан. Улар тўхтатмоқчи бўлган экан, аравангни буриб, четлаб ўтибсан. Шунга жаҳллари чиққан отангни, эҳтиёт бўл.

— Ойижон, от олиб қочди. Ҳарчанд уринмай, жониворни тўхтатолмадим, хайрият, отхонага бориб, ичкарига киргач, ўзи тўхтади.

— Шуни айтмадингми?

— Қандай айтаман? Қовоқ солиб олганлар.

Шу пайт отам келиб қолди, ҳовлига кирган заҳоти онамга гап қотди.

— Ўғлингиз катта одам бўлиб қолибдилар. Отани назар-писанд этмай, аравани тўхтатмай ўтиб кетадилар. Нима қиламиз, у киши катта аравакаш бўлса!

Отам шундай деб арикда қўлларини ювдилар. Ҳақиқатан ҳам, у пайтлар аравакашлик обрўли касб ҳисобланар эди.

Отам ўрнидан туриб: — Қори аканинг олдида ер билан битта бўлдим, — деди. — У киши: «Ўғлингиз катта одам бўлиб қолибдилар», деб дашном берди.

— Отажониси, ўғлингизни от олиб қочибди. Аравани тўхтатолмай қолибди. Хайрият, отхонага киргач, тўхтабди жонивор. Бўлмаса, кўрардингиз ҳангомани.

— Шуни кеча нега айтмадинг? Биз сендан хафа бўлиб юрибмиз. Одам зийрак бўлиши керак!

— От олиб қочганини отбоқар айтгандир деб ўйладим.

— Болам, қулоғингда бўлсин. Ҳар қандай ҳайвон оч қолса, ҳеч нарсага қарамай емишхонага чопади. Шунинг учун отхонага яқинлашганингда эҳтиёт бўл! Отга қамчи урма. Ҳар қалай, сен бундай беодоблик қилмассан!

Яна шуни билиб қўйки, ёши улуғ одамлар суҳбатлашиб турган бўлса, аравани секинлатиб, салом бериб ўт! Болалигинг қолмади. Улуғларни ҳурмат қил! Иложи бўлса, аравадан тушиб сўрашгин!

Отамнинг гинаси ва ўша танбеҳи, мана, шунча йил ўтса-да, ҳамон қулоғимда. Катта ёшдагиларни кўрсам, дарров ўзимни ўнглаб, уларга одоб билан салом бериб, ҳурматини жойига қўяман. Нимага десангиз, отам раҳматли, бир четда туриб, ҳамон мени кузатиб тургандек туюлади.

Юнус ЗИЁДОВ
меҳнат фахрийси.